

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗАМИЗ ҲАЛИ ЁШ. БУ ЙИЛ ҚУЁШ ИССИҚЛИГИ ЕТАРЛИ
БЎЛМАЁТГАН БИР ПАЙТДА БУТУН ТАЖРИБА ВА МАҲО-
РАТИМИЗНИ ИШГА СОЛИБ, ЎЗАНИНГ МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИ-
ШИ ВА ТЕЗРОҚ ПИШИБ ЕТИЛИШИГА ЭРИШАЙЛИК.

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 149 (4140).

30

И Ю ЛЬ

ЧОРШАНБА

1969 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ОҚҚУРҒОН районидagi колхоз ва совхозларда ғўзага ишлов бериш ҳар томонлама яхши олиб боришмоқда. Айрим бригада ва эвеноларнинг пайкаларидаги ғўзаларнинг ҳар түпида 5—6 тадан бўлиқ қўсақлар бунёд этилди. Суратда (юқоридан) Ленинбод колхозининг илгор эвено бошлиғи З. Раисов (чапда) ва бригада бошлиғи Т. Ҳазратов ўртоқлар қўсақлар салмоғини кўришяпти. (Ўстада) Х. Олимжон номли колхознинг А. Ҳолбоев бошлиқ бригадасида ҳам ғўзалар яхши ривожланмоқда. Бригада бошлиғи А. Ҳолбоев (чапда) ва эвено бошлиғи Қ. Муртазоевлар пахтазорда.

А. АБАЛАН ва Н. ТУРАЕВ фотолари.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ОҚҚУРҒОН. Ҳар гектар пахта майдонидан 26 центнердан ҳосил кўтариш учун ҳаракат қилаётган «Ленинбод» колхозининг Б. Назарова бошлиқ эвено аъзоларининг 175 гектар ердаги ғўзалари кўнгалдагидек ривожланмоқда. Шу кунларда улар ҳар түп ғўзада 2—3 тадан қўсақ, 10—12 тадан гул ҳосил қилишди.

П. ТОШЕВ. ЯНГИЙЎЛ. Киров номли колхозда ғўзани сугориш ишлари яхши ташкил этилган. Сувчилардан Б. Бекмуродов, О. Очиловлар, айниқса, намуна кўрсатиб ишляптилар. Бу миришкорлар меҳнат қилаётган пайкаларда 23 центнердан ҳосил кўтаришга пухта замин ҳозирланди.

К. ЭШОНТОВ. ЮКОРИ ЧИРЧИҚ. Қўдодш ака Эргашев бошлиқ бригада аъзоларининг аҳди қатъий. Улар бу йил гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтариш учун ғайратга-ғайрат қўшиб ишла-

шяпти. «Политотдел» колхозининг бу бригада аъзолари бош қа эккилардан ҳам юқори ҳосил олиш учун курашмоқдалар. И. ХОЛТУРСУНОВ. БУКА. Райондаги Карл Маркс номли колхозининг О. Холлов бошлиқ бригада аъзолари беш йилликнинг тўртинчи йилида 86 гектар пахта майдонидан пландаги 21 ўрнига 25 центнердан дурдона етиштириш учун ҳаракат қилишяпти. Далалардаги бўлиқ ғўзалар уларнинг сўзалари билан ишлари бир эканлигини далиллат бериб туряпти.

Х. ШОЗАДАҚУЛОВ. БЕКОВОД. Сирдарё суви кўтарилиб «Победа» колхозининг Бегмоя Назарқулов бошлиқ бригадасининг 8 гектар ғўзасига зарар етказди. Шу кунларда улар ғайрат кўрсатиб ишлаб ана шу майдондаги ғўзаларни ҳам бўлиқ ғўзаларга тенглаштириш учун ҳамма чораларни кўришяпти.

А. НОРБУТАЕВ.



МИРИШКОРЛАР

Ётган бу киши ним экан дерсиз, мала, танишинг. Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Қудрат Аҳмедов бошлиқ бригадасидаги азаматларидан. Колхозда бу бригада ҳар йили илгорлигини қўздан бермай келади.

Ўтган йили пахта тайёрлаш плани 121 процент қилиб бажарилган эди. Бу йил ҳам дала ишларини беравқат бошлаб, ғўза парварлигини яхши олиб бормоқдалар. Қўзда бригадасига қарашли 138 гектар ерининг ҳар гектаридан 200 килограммдан фосфор, 8 тоннадан маҳаллий ўғит солиниб, сифатли шудгор қилинди. Баҳорда эса беравқат текислашиб бир неча бор бороналанган ерга қисқа муддатда сифатли чигит ташланди.

Об-ҳавонинг ҳукулай келиши ғўза ривожига бир мўлча салбий таъсир кўрсатди. Ленин бригада азаматларининг ғайрат кўрсатиб меҳнат қилганликлари ту-

файли майдонлардаги ниҳоллар ривожига яхшиланди. Ғўза қатор ораларига икки томонлама ишлов берилиб, қатқалоқ йўқотилди, яғналаш ҳам қисқа муддат тугалланди. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш билан бир вақтда ҳар гектар ерга 300 килограммдан селестра, 50 килограммдан калий ўғити солинди.

Бу йил бригада деҳқонлари «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш учун 82 гектар ердаги ғўзанинг парварлигини сифатли ўтказмоқдалар. Улар бу йил маржуд майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 36 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилишган. Шу йилнинг учун кечаю-кундуз тиним билмай меҳнат қилмоқдалар.

Ғўзаларни тузда сугориш ниҳолларнинг ҳосилдор бўлиб етишида катта роль ўйнайди. Бригадада ғўзаларни сугориш ишлари яхши сменда ташкил этилган. Сувчилар учун керекли шaroит яратиб берилган. Да-

ла шийлонлари ҳам шинам, агрофидига анвойи ғўзаларни қўздан қувонасиз. Колхозчиларнинг маданий ҳордиқ чинариб дам олишлари учун шийлонга янги рабета, журиаллар ва шахмат-шашкалар қўйилган.

Бригада азаматлари шахмат-шашкаларга кўйиб сазоват маҳсулотини етказиб беришни ҳам кўзда тутиб иш юритмоқдалар. Шу кунгача улар меҳнаткашлар дастурхонига 42 тонна қарам, 1200 килограмм редиска етказиб бердилар.

Қўздан Аҳмедов бошлиқ бригада бу йил «Қўшн» «Октябрь» колхозининг Нигмат Мукамбеков бошлиқ бригадаси билан, мусобақа-ташлан. Икки бригада тез-тез тажриба алмашиб, керасили тадбирларни белгилайдилар қамчиликларни эса тезроқ бартараф қилиш учун бир-бирларига ёрдам берадилар.

«Сув экиннинг қони» — деб бекизи айтишмаган ҳақиқат. Хозирги кунда ғўзаларни сугориш намунаси олиб бориляпти. Бригаданинг С. Нишонов, И. Улуғбеков каби сувичилари ҳар кун икки, уч гектар ердаги ғўзани сифатли сугормоқдалар.

М. АСАТОВА.

ЧОРВА ОЗУҚАСИ ҚУПАЙТИРИЛМОҚДА

Ўрта Чирчиқ районидagi Свердлов номли колхозда чорва моллари туғи ва маҳсулдорлиги тобора қўпаймоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда чорвачилик сер даромад соҳалардан бирига айланипти. Ҳўжаликда чорвачилик бўйича берилган ярим йиллик план топириқлар, Парандачилиқни ривожлантиришга катта эътибор берилиб, уларнинг сони 3000 дан 13582 етказилди. Ҳўш, жун топириқ бунча берилган план ҳам ортиғи билан адо этилди. Колхозда маҳсулот тайёрлаш жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

Колхозчилар чорвачилиқни ривожлантириш билан бирга унинг озуксини қўпайтириш чораларини ҳам кўрмоқдалар. 2000 тоннадан зиёд хашак тайёрлашиб қўйилди. Колхозчилар бир ярим йилга мўлжалланган чорва озуксини тайёрлаш, демоқдалар.

А. КИМ.

ПУХТА ЗАМИН

Нурмаҳаммад, Равшан ва Ҳолбек акалар уста сувчилардан ҳисобланадилар. Уларнинг меҳнати, жонқурлиги, иш билармонлиги туфайли колхозда биринчилар қатори 45 гектар пахта майдонининг уч сидра сувдан чиқаришди. Н. Бойғунов, Р. Мамадалиев ва Ҳ. Борбековлар сувчи бўлиб ишляётган Анвар Шербеков бошлиқ эвено аъзолари бу йил 45 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар.

Шу кунларда бу эвено пайкаларидаги ғўзаларнинг гўрираб ўсаятиши, туллардаги гўл-гўл гул ва шоналарни кўриб беҳад қувонасиз.

Ғўзани ўз вақтида қондириб сугорайтган сувчилар билан бир қаторда ғўза қатор ораларини ишлашда кўнглик нормаларини ошириб бажарайтган Қўссулов Иброҳимова, Дариша Тожиқо-

нова ва бошқаларнинг меҳнати туфайли гектаридан 35 центнердан ҳосил учун мустақим замин ҳозирланмоқда.

Янгийўл районидagi Собир Раҳимов номли колхоз пахтакорлари бу йил 1000 гектар ерга чигит экишган. Ҳар гектар ердан намида 27 центнердан ҳосил етиштириш учун курашяптилар.

Колхозда 72 киши сувчиллик қилапти, 23 механизатор эса ғўзани култивациядан чиқаради. Колхозчилар мўлжаллаган кўпроқ ҳосил тўплаш ниятида ишляшяпти. Анвар Шербеков, Мирза Қодиров, Тўлпай Нисебеков, Эргаш Умаров ва Нурпўлат Тошбеков бошлиқ эвеноларда ҳам ғўза парварлиги ишлари ажида.

Умуман, колхозда бу йил ғўзани ўстириш ва етарли ҳосил тўплаш учун қилинмаган ҳаракат қўнгалдагидек кетяпти.

Д. СОДИҚОВ.

ИЛЬИЧ ҲАМШАҲАРЛАРИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

УЛЬЯНОВСКИЙ, 28 июль. (ЎзТАГ) маҳсус муҳбири Г. Липшиц. РСФСРда ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъат декадасининг қатнашчилари Россия дёрида кўп шаҳарларнинг аҳолиси билан учрашди. Бу сафар Ильич ҳамшаҳарлари — Ульяновск меҳнаткашлари — Ўзбекистон вакиллари шоду — хушрамлик билан кутиб олдилар.

Ҳамшаҳарларимизнинг гуруҳлари бири — кетин бу ерга келишди. Бу гуруҳларнинг ҳар бири Волга дарёси бўйидаги довғи кетган шаҳар аҳолиси қабининг илқ ҳароратини сезиб турар эди. Ульяновск — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова бошчилигидаги республика ҳукумат делегациясини самимий кутиб олди.

Ульяновск области партия комитетининг иккинчи секретари М. Н. Козлов, Ульяновск области ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. И. Кохов, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Кудрявцев делегация аъзоларини, шунингдек уларга ҳамроҳ бўлган РСФСР Министрлар

Совети Раисининг ўринбосари В. И. Кочемасов бошчилигидаги Россия Федерацияси иккундий союзлари ва ташкилотларининг вакилларини кутиб олдиди.

Ўзбекистон маданият арбоблари тушган «Куйловчи поезди» вокзалга келганда ҳам об-ласть ва унинг марказидagi партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Ульяновск меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари вокзалга келишди. Рус ташкилотларининг сардор қарнай ва сурнай салоси билан қўшилиб кетди, рус милайти кийимларини кийган йилғи ва қиллар ҳамшаҳарларимиз билан ўйинга тушдилар.

Вокзал олди майдонига бўлган мингига области партия комитетининг секретари В. И. Свердлов меҳмонларни самимий табриқлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби С. Муҳамедов жавоб нутқи сўзлади.

Ўзбекистон вакиллари бутун эрталаб дўстлик визити билан Ульяновск области партия комитетига келишди. Улар Волга соҳилида — қад кўтарган В. И. Ленин ҳайкали сунасига гулчамбар қўйдилар.

МЕБЕЛСОЗЛАР ЮТУҒИ

Пойтахтимиздаги «Ишарк» мебель фирмасида ярим йиллик топириқ бачча кўрсаткичлар бўйича муддатидан олдин бажарилган, пайдалан ташқари 43 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди.

Шу кунларда фирма коллектив аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш ниятида товар маҳсулотлари сифатини янада яхшилаш, янги замонавий мебеллар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Шу йилдан бошлаб фирмда янги турдаги стуллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ярим йил ичда 50 мингта шундай стул савдо ташкилотларига жўнатилди. Фирма маҳсулотлари қудайлиги, пишиқлиги ва бекирилмиги билан ҳаридорларга маъқул бўлмоқда.

Мебелсозлар шу кунларда доҳияли В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янада қўпайтириш, унинг сифатини бундан ҳам кўтариш шiori остида ишляшяпти.

М. ЗИЕМУХАМЕДОВА.

СИРДАРЁЛИК МУСОБАҚАДОШЛАР ОБЛАСТИМИЗДА

Кеча, областимизга мусобақадош Сирдарё области пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси келди. Улар пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик эккиларидан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олдинги социалистик мусобақанинг қандай бажарилаётганлигини текширишдан ўтказдилар.

Ўзаро текшириш бригадасига Сирдарё области партия комитетининг секретари М. У. Умбетов бошчилик қилмоқда. Ўзаро текшириш бригадаси составида совхозлар трестининг старший агрономи К. Желобов, 3-«Вобвут» совхозининг бригада бошлиғи М. Решетов, «Целинный» совхозининг бригада бошлиғи И. Бадалов. Сирдарё район қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бош агрономи В. Шюда, «Красная звезда» совхозининг бош агрономи О. Омаров, область комсомол комитетининг секретари М. Ибодуллоев, Етисой район партия комитетининг секретари Т. Рустамов ва бошқа ўртоқлар бор.

Меҳмонларнинг текшириш бригадаси К. Н. Бекоев, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Н. Белоусов ва бошқа ўртоқлар кутиб олдидлар. Ўзаро мусобақадosh сирдарёликлар шу кунги областимизнинг районларига жўнаб кетдилар.

Сирдарёдан келган мусобақадошларнинг бир гуруҳи Янгийўл район колхозларида бўлиб, улар дастлаб райондаги Охунбобоев номли колхоз дала-ларини кўздан кечирдилар. Меҳмонларни Нормуҳаммад Нормуҳамедов бошчилик қилаётган бригада ғўзалари қизиқтирди. Улар далаларни синчилаб кўриб чиқдилар. Бригада бошлиғи билан суҳбатлашдилар. У бу йил бригада аъзолари 200 гектар ерининг ҳар гектаридан 28 ўрнига 32 центнердан ҳосил етиштириш учун ку-

рашляётганлиги ҳақида тапириб берди. Далаларни айланиб кўрган мусобақадошлар бригаданинг даллари тўғри эккилигига ийрон бўлиб қолди. Шу билан улар баъзи қамчиликларни аниқлаш-ликларини, унча тоза тугатиш зарурлигини таъкидладилар.

Чунончи, Нормуҳаммад Нормуҳамедов бригадаси сингари бошқа бригада ва эвеноларда ҳам ғўза ҳали бирмунча ёш. Ҳосил олиш қўнгалдагидек эмас. Мусобақадошлар Мустафо Юсупов бошчилиги қилаётган бригадада ҳам бўлибдилар. Бу бригадада ғўза ривожланишида ва ҳосил туғишида Нормуҳамедов бригадасидан бирмунча орқанда қолмоқда. Баъзи пайкаларда култивация пайтида чек-чалардаги ғўзалар шикастлан-моқда, култиватор иш органларининг атрофи ўраб қўйилма-ганлиги сабабли қўсақ тўқилиш ҳоллари учрамоқда. Гурупа

раҳбари, Етисой район партия комитетининг секретари Т. Рустамов бригада бошчиликлар, колхоз раҳбарларига дўстона мас-лаҳат бериб, бундан кейин биринчи навбатда ҳосилни қўпай-тириш, ғўза тулларидан қўсақ-ларини тўла сақлаб қолдиш учун курашяпти энг муҳим вазифалардан эканлигини таъкидлаб та-пирди.

Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари шу кунги Янгийўлдаги генерал Собир Раҳимов, «Ўзбекистон ССР 30 йил-лиги» Энгелс номли пахта ҳўжаликларида ҳам бўлибдилар. Меҳмонлар асосан бир масала-га, ғўза парварлигини қизғин давом эттиришга, култивациядан кейин сугориш ўртасида узлиши бўлмаслигига, чегарани тейлаштиришга янгийўлликларининг эътиборини қаратдилар.

С. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус муҳбири.



СУРАТДА: сирдарёлик ўзаро текшириш бригадасининг бир гурупа аъзолари Янгийўл райондаги Охунбобоев номли колхоз далаларини кўздан кечирмоқдалар.
А. АБАЛАН фотоси.

ИНДЕКС — 6469.
Р. 01596.

СССР Олий Совети Президиуми ҳаққиқинингизни ана шу талларини ҳисобга олиб, 1966 й. 26 июлда «Безорилик учун воғбарлиқни қўқатириш тўғрисида» Фармон қабул қилган эди. Мана, қарийб уч йилдирки, шу қўқонни безориларга қиёнат қўллаб б. келинаётганилиги самарасини кўрсатмоқда. Райхалқ суди ва прокуратура, минлиқ органларнинг безорилик қилин курашдаги фаолияти а. активлашди.